

ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ВА УНИНГ БАҲОЛАНИШИ

P.Г.Абдуллаева – ЎзМУ,

Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти

Ҳар қандай давлатда инвестиция фаолиятининг энг муҳим хусусиятлардан бири – бу ҳудуд ёки минтақанинг инвестиция муҳитидир. Инвестицион мухит деганда, одатда, мамлакатда қўйидагиларнинг:

- 1) сиёсий;
- 2) ижтимоий-маданий;
- 3) молиявий-иқтисодий;

4) тадбиркорлик инфратузилмаси сифатини, инвестициялаш самарадорлигини ва капитал қўйишида юзага келиши мумкин бўлган хавф даражасини белгилайдиган ҳуқуқий шароитларнинг мавжудлиги тушунилади.

Ш. Мустафакулов “*инвестицион мухит* – инвестицион жараёнлар амалга ошадиган шароит бўлиб, у ҳудуднинг инвестицион фаолияти ҳамда инвестицияларнинг риск даражасини аниқлайдиган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади”¹ дея таъриф келтиради.

М.Бродский ва С. Костенколар и”нвестиция мухити - муайян мамлакат ёки минтақанинг турли тармоқларига узоқ ёки ўрта муддатли инвестицияларни самарали жалб қилиш ва ўзлаштириш учун яратилган шарт-шароитлардир”² деб таъриф берадилар.

Б.Райзберг,Л. Лозовский, Е. Стародубцевалар эса “инвестиция мухити - бу мамлакат иқтисодиётига жалб қилинаётган ички ва ташқи инвестициялар оқимиға таъсир қўрсатувчи иқтисодий, сиёсий ва молиявий шарт-шароитлардир”³ деб таъриф берадилар.

Демак, инвестиция мухити деганда мамлакат иқтисодиёти ёки унинг маълум бир ҳудудига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий, экологик, маданий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади.

Бирор мамлакатнинг инвестицион мухитини таҳлил қилинганда, амалдор нуқтаи назари эмас, балки ўз маблағини даромад келтирувчи лойиҳага жойлаштирмақчи бўлган хорижий инвесторларнинг фикрлари аҳамиятлидир. Уларнинг фикрича инвестиция мухити бир қатор зарурий омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг мавжудлиги инвестиция мухитининг энг қулай бўлишини таъминлайди:

¹ Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мухит жозибадорлиги. – Т.: BAKTRIA PRESS, 2017 й., Б.39.

² Бродский М., Костенко С. Инвестиции как источник конкурентоспособности // Ученые записки Института права С.Петербургского государственного университета экономики и финансов / Под ред. А.А.Ливревского. 2001. С.95.

³ Райзберг Б., Лозовский Л., Стародубцева Е. Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА – М. 2000.

Биринчиси, сиёсий барқарорлик бўлиб, унинг мавжуд бўлиши инвесторнинг келгуси ишларини режалаштириш ва ишонч билан олдинга интилишига имкон беради. У кучли қонуний тизимнинг мавжудлиги, ташқи ва ички ҳарбий низолар, ҳамда инқилобий ўзгаришларнинг бўлмаслигига намоён бўлади.

Иккинчиси, иқтисодий самарадорлик. Ҳар бир инвестор иқтисодий ўсиш жуда юкори бўлган, ҳукумат иқтисодиётни ривожлантириш борасида барқарор сиёсат олиб бораётган мамлакат иқтисодиётига маблағ сарфлашни ҳоҳлади.

Учинчи муҳим омил мамлакатдаги ҳукумат раҳбарлари, меҳнат жамоалари, муҳолиф партия вакиллари ва халқнинг хорижий инвесторларга нисбатан бўлган дўстона муносабатларидир. Ундан ташқари оддий халқнинг хорижликларга, уларнинг мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий фаолиятига бўлган муносабати ҳам катта аҳамият касб этади. Ушбу омил ҳам инвесторларнинг мамлакатдаги фаолиятларига катта таъсир ўтказади.

Инвестиция муҳити ўз ичига **инвестицион жозибадорлик** ва **инвестицион фаолликни** қамраб олади.

Инвестицион жозибадорлик эса **инвестицион риск** ва **инвестицион потенциални** ўз ичига олади.



Инвестицион жозибадорлик – мамлакат, минтақа, тармоқ ёки алоҳида олинган корхона инвестицияларининг даромадлилик, ривожланиш истиқболлари ва инвестиция хатари даражаси нуқтаи назаридан баҳоланишидир.

Минтақанинг инвестицион жозибадорлиги инвестицион салоҳият ва инвестицион риск даражаси билан аниқланади.

Худуд инвестицион салоҳияти - бу ҳудуднинг ривожланиш даражаси бўлиб, унга кўра ҳудуд ўзининг табиий-иктисодий салоҳиятидан, рақобат устунликлари ва институционал имкониятларидан самарали фойдаланиши ҳисобига аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг барқарор ўсиб боришини таъминлайди. Инвестицион

салоҳият асосий макроиктисодий қўрсаткичлар - (ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръати, минтақага киритилаётган бевосита хорижий инвестициялар, иқтисодиёт тузилиши), ҳудуднинг ишлаб чиқариш омиллари билан тўйинганлиги (хом ашё, меҳнат, молиявий ресурслар), аҳолининг истеъмол талаби ҳажми ва динамикаси билан аниқланади.

Инвестиция рисклари - бу инвестиция қилинган пулдан фойда олмаслик ёки ҳатто уни йўқотиш эҳтимоли. Ва энг жиддий хавф нафақат барча пулингизни йўқотиш, балки айни пайтда қарзлар билан қолиб кетишидир. Инвестицион риск умумиқтисодий (минтақанинг иқтисодий ривожланиш тенденциялари), молиявалюта (корхоналар молияси ва регионал бюджетнинг мутаносиблик даражаси), сиёсий (маҳаллий ҳокимиятнинг легитимлиги (лотинча *legitimus* қонунларга мос, қонуний)), қонунчилик, ижтимоий (ижтимоий кескинлик даражаси), экологик, криминал ва бошқа омиллар билан аниқланади.

Минтақанинг инвестицион жозибадорлиги минтақадаги инвестицион фаолликнинг ривожланганлигига акс этади. **Инвестицион фаоллик** - бу минтақада инвестиция фаолиятининг ривожланиши ва интенсивлиги, минтақанинг асосий капиталига инвестицияларни жалб қилиш ҳажми ва суръати билан тавсифланади⁴. Инвестицион фаоллик инвестицияларнинг олдинги ва жорий ҳажмининг нисбати сифатида аниқланади.

Иқтисодий адабиётларда инвестицион фаолликнинг уч тури ажратилади:

1. Ўтган инвестицион фаоллик, бу минтақага олдин киритилган инвестициялар интенсивлиги билан тасифланади, яъни киритилган инвестициялардан кутилаётган даромад, эҳтимолий рақобатчиларнинг сони ва капитал қўйилмалар учун фойдали бўлган соҳани аниқлашга имкон беради.

2. Минтақанинг иқтисодий ривожланганлик даражасини аниқловчи **жорий инвестицион фаоллик** қўшимча қўйилмалар ҳажмини башорат қилиш имконини, инвестициялардан кутилаётган рентабеллик ва келажакда инвесторларнинг бозордаги позициясини аниқлаб беради.

3. Келажакдаги (кутилаётган) инвестицион фаоллик –исталаётган капитал оқимига эришиш мақсадида келажакдаги капитал қўйилмаларни аниқлашдан то минтақа инвестицион муҳитини бошқаришгacha бўлган бутун инвестицион жараённи режалаштириш имконини беради.

Инвестицион фаолликнинг юқоридаги учта таркиби бўйича таҳлил қилиш минтақа инвестицион бозоридаги рақобат даражаси, унинг ривожланиш тенденциялари ва рискин қисқартириш чоралари ҳақида инвесторга ахборот беради.

⁴ И.И.Ройzman, А.Г.Шахназарова и И.В.Гришина Комплексная оценка инвестиционной привлекательности и инвестиционной активности российских регионов: методика определения и анализ взаимосвязей Инвестиции в России. 2001. №4. С. 5-16.

Инвестиция киритишдан аввал инвесторлар мамлакатда яратилган инвестицион мухитни баҳолайдилар. Баҳолашда қўйидаги қўрсаткичлар ҳисобга олинади:

- давлатнинг валюта захиралари миқдори;
- валюта ва хом ашё котировкаларини барқарорлаштириш даражаси;
- иқтисодиёт ва банк тизимининг ўсиш ва ривожланиш тезлиги;
- инвестиция фаолияти учун бюджет йифимлари миқдори;
- қимматли қоғозларнинг ички ва жаҳон бозорларига нисбатан ликвидлиги, рентабеллиги;
- кредитлар бўйича фоиз ставкалари;
- тўлов балансининг ҳолати;
- амалдаги шартномаларни бажарилиши;
- унумдорлик ва меҳнат қиймати, меҳнат ресурслари билан таъминланганлик;
- фуқаролар, тадбиркорлар, инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш даражаси.

Минтаقا инвестицион мухитини баҳолашга ёндашувлар:

1. Топ ёндашув (баҳолаш активларнинг рентабеллик даражаси асосида амалга оширилади);

2. Омилли ёндашув (баҳолаш омилларнинг ўртача олинган баҳолари суммасига асосан амалга оширилади);

3. Рискли ёндашув (Баҳолаш инвестициялардан келадиган даромад ва зарарлар эҳтимоли нуқтаи назаридан амалга оширилади);

4. Вакт бўйича ёндашув (Баҳолаш инвестициялардан келадиган даромад ва зарарлар эҳтимоли динамикаси нуқтаи назаридан амалга оширилади).

Инвестиция мухити қанчалик қулай бўлса, инвесторнинг тадбиркорлик риски шунчалик паст даражада бўлади ва бу инвесторларнинг кириб келишини кўпайтиради. Аксинча, инвестиция мухити ноқулай бўлса, риск даражаси юқори бўлади. Бу эса инвестиция қабул қилувчининг сарф-харажатларининг ўсишига олиб келади. Шундай қилиб, инвестиция мухитининг ҳолати фақат инвестор учун эмас, балки инвестиция қабул қилувчи учун ҳам муҳимdir.

Республикамизда қулай инвестиция мухитини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида 2023 йилда 22 миллиард доллардан кўпроқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилган. Бу 2022 йилга қараганда 1,8 баробар кўп. Бунга инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божларини бекор қилинганлиги, божхона ҳудудида қайта ишлашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этилганлиги, Президент хузурида Хорижий инвесторлар кенгашининг ташкил этилганлиги, хорижий инвесторлар учун кўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кетиш ва яшаш шартларининг соддалаштирилганлиги натижасида эришилди, десак муболага бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Мустафақулов Ш.И. Инвестицион мухит жозибадорлиги. – Т.: BAKTRIA PRESS, 2017 й., Б.39.
- 2.Бродский М., Костенко С. Инвестиции как источник конкурентоспособности // Ученые записки Института права С.Петербургского государственного университета экономики и финансов / Под ред. А.А.Ливревского. 2001. С.95.
- 3.Райзберг Б., Лозовский Л., Стародубцева Е. Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА – М. 2000.
- 4.Ройzman И.И., Шахназарова А.Г. и И.В.Гришина. Комплексная оценка инвестиционной привлекательности и инвестиционной активности российских регионов: методика определения и анализ взаимосвязей Инвестиции в России. 2001. №4. С. 5-16.